

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 29.08.2017.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**МЕДЕТОВ МАХСЕТБАЙ ЖАПАКОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН АРИД ХУДУДЛАРИНИНГ ТЎҒРИҚАНОТЛИ  
ҲАШАРОТЛАРИ (INSECTA: ORTHOPTERA)**

**03.00.06 – Зоология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)**

<b>Медетов Махсетбай Жапакович</b> Ўзбекистон арид худудларининг тўғриқанотли ҳашаротлари (Insecta: Orthoptera).....	3
<b>Медетов Махсетбай Жапакович</b> Прямкрылые насекомые (Insecta: Orthoptera) аридной зоны Ўзбекистана.....	29
<b>Medetov Maxsetbay Japakovich</b> Orthoptera (Insecta: Orthoptera) in arid zones of Uzbekistan.....	53
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	57

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 29.08.2017.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**МЕДЕТОВ МАХСЕТБАЙ ЖАПАКОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН АРИД ХУДУДЛАРИНИНГ ТЎҒРИҚАНОТЛИ  
ҲАШАРОТЛАРИ (INSECTA: ORTHOPTERA)**

**03.00.06 – Зоология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Биология фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018. 2DSc/B57 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Зоология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.zoology.uz](http://www.zoology.uz)) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Акрамова Фируза Жалолиддиновна**  
биология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Шакарбоев Эркинжон Бердиқулович**  
биология фанлари доктори, профессор

**Иззатуллаев Зувайдулло Иззатуллаевич**  
биология фанлари доктори, профессор

**Холбоев Фахриддин Раҳмонқулович**  
биология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Қорақалпоқ давлат университети**

Диссертация ҳимояси Зоология институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc 29.08.2017.B.52.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «26» октябр куни соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232<sup>б</sup>-уй. Зоология институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 289-10-60, E-mail: [info-zoology@academy.uz](mailto:info-zoology@academy.uz)).

Диссертация билан Зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№13 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232<sup>б</sup>-уй, Тел.: (+99871) 289-04-65.

Диссертация автореферати 2018 йил «03» октябр куни тарқатилди.

(2018 йил «03» октябрдаги 14 - рақамли реестр баённомаси)

**Д.А.Азимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор, академик

**Г.С.Мирзаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

**Э.Б. Шакарбоев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги кунда дунёдаги иқлим ўзгаришлари ва ландшафтлараро содир бўлаётган жараёнларнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига салбий таъсири йилдан-йилга ортиб бормоқда. Айниқса, сўнгги йилларда қурғоқчил ҳудудларда ўзлаштирилган майдонлар ҳажмининг кенгайиб бориши қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандалари сонининг жумладан, тўғриқанотли фитофаглар миқдорининг кескин ошишига олиб келмоқда. Шунга кўра, тўғриқанотли ҳашаротларни инвентаризациялаш, турли ҳудудларда фаунанинг шаклланишини аниқлаш ва уларга қарши кураш усулларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда қишлоқ хўжалиги хавфсизлиги, сунъий агроценозларда кенг тарқалган ва зарарли ҳашаротларнинг ривожланиши учун қулай иқлим шароитларига эга арид ҳудудларидаги зарарли фитофагларнинг тур таркибини аниқлаш ва уларга қарши замонавий кураш чораларини ишлаб чиқишга қаратилган. Бу ўринда маданий экинлар ва яйловларга катта зарар келтирувчи чигирткалар тўғриқанотли ҳашаротлар туркумининг асосий вакиллари сифатида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, сўнгги йилларда арид ҳудудларидаги муҳитнинг антропоген трансформацияси сабабли, улар сонининг ортиши зарарли тўғриқанотли ҳашарот турларига қарши кескин кураш чораларини жорий этишни талаб этмоқда. Бундан ташқари, тўғриқанотли ҳашаротларнинг қурғоқчил ҳудуд тупроқ-иқлим шароитидаги ўзгаришларни ўзида акс эттириши, улар популяциясидаги зичликнинг динамик хусусияти, айниқса уларнинг ўсимлик озикасига кўра ўзига хос ихтисослашувларга эгаллиги тўғриқанотлиларнинг агроландшафт компонентларида тарқалишини асослаш, зарарли турларини ажратиш ва камёб турларини сақлаб қолиш бўйича тадқиқотларни олиб боришни белгилаб бермоқда. Шунга кўра, арид ҳудудлар тўғриқанотли ҳашаротлар фаунасини аниқлаш, экологиясини асослаш ва зарарли турларига қарши экологик безарар кураш усулларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва экинларни зараркунандалардан ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада, жумладан, агроценозларга мос равишда уларда тарқалган зарарли фитофаглар аниқланди, уларга қарши курашиш чоралари такомиллаштирилди ва экинлар ҳосилдорлиги сақлаб қолинди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup>, жумладан «атроф-муҳит ҳолатига зарар етказадиган муаммоларнинг олдини олиш» вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, жумладан, республикамиз арид минтақаларидаги тўғриқанотлилар тарқалишини аниқлаш, зоогеографик тақсимланишини очиб бериш, “паразит-хўжайин” тизимидаги тўғриқанотлилар аҳамиятини белгилаш,

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

камёб ва эндем турларини муҳофаза қилиш, зарарли турларига қарши табиий энтомофагларни аниқлаш ва биопрепаратни ишлаб чиқаришда фойдаланишга тавсия қилиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 сентябрдаги «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги «Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-тамойилларидан ўтиш тартиби тўғрисида» ги 290 сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технология ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>1</sup>.** Тўғриқанотли ҳашаротларнинг турлар хилма-хиллиги, фаунистик комплекслари, экологияси ва зоогеографиясига йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, University of Wyoming (АҚШ), University of Amsterdam (Голландия), Зоология институти (Россия), Новосибирск Давлат университети (Россия), Зоология институти (Қозоғистон), Зоология институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Тўғриқанотли ҳашаротларнинг систематикаси, морфологияси, фаунаси, экологияси, зоогеографияси ва хўжалик аҳамиятига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги натижалар олинган: тўғриқанотлиларнинг тур таркиби ва зарарли чигирткаларнинг тарқалиш ареаллари хариталаштирилган ва улар популяциясини назорат қилишнинг ГАТ тизими яратилган (University of Wyoming, АҚШ); тўғриқанотлиларнинг фаунаси аниқланган ва таксономияси асосланган (University of Amsterdam, Голландия); табиий ландшафтларда тўғриқанотлиларнинг тарқалиш хусусиятлари очиб берилган (Зоология институти, Россия); тўғриқанотлиларнинг геномик таҳлиллари асосида уларнинг таксономияси ва систематикаси исботланган (Новосибирск давлат университети, Россия); тўғриқанотлилар биохилма-хиллигини акс эттирувчи локал электрон маълумотлар базаси яратилган ва уларга қарши кураш чоралари ишлаб чиқилган (Зоология институти, Қозоғистон).

Дунёда тўғриқанотлилар туркуми турларининг морфобиологияси, турли

---

<sup>1</sup>Диссертациянинг мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи <http://www.works.doklad.ru>, <http://www.km.ru>, [www.dissercat.com](http://www.dissercat.com), [www.researchget.com](http://www.researchget.com), <http://www.fundamental-research.ru>, [www.webofscience.com](http://www.webofscience.com) ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

экосистемалардаги биохилма-хиллиги, экологик аҳамияти бўйича қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: Orthoptera туркуми турларини молекуляр-генетик тавсифлаш, турларнинг ген банкини яратиш, туркумнинг фаунаси ва турларнинг экологик хусусиятларини ўрганиш, микробиологик препаратлар асосида янги такомиллашган кураш чоралари ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тўғриқанотлар тур таркиби ва зарарли чигирткаларнинг тарқалиш ареалларини хариталаштириш ҳамда популяцияларини назорат қилишда ГАТ тизими яратишда хорижлик олимлар: Fermin A.M. ва бошқ. (2013), A.B. Лачининский ва бошқ. (2001), Agabiti B. ва бошқ. (2006), Oliveira P.A. (2001) томонидан олиб борилган. МДХ мамлакатлари олимлари томонидан зарарли чигиртка турлари систематикаси, морфологияси, тўғриқанотлиларнинг экологик хусусиятлари ва зоогеографияси Ф.Н. Правдин (1978, 1980), М.Г.Сергеев (1986), И.К. Лопатин (1989), О.Л. Крыжановский (2002) ишларида қайд этилган.

Марказий Осиёда тарқалган тўғриқанотли ҳашаротлар фаунаси, турлар таксономияси ва экологиясига оид маълумотлар А.П. Федченко (1872, 1878), Г. Соссюр (1874), Г.Г. Якобсон (1905), Б.П. Уваров (1927), В.П.Поспелов (1939), М.К.Чильдебаев (2017) ишларида акс этирилган.

Ўзбекистон тўғриқанотлилари тур таркиби, систематикаси М.В. Столяров (1966), Р.А. Алимджанов (1974), А.А.Бекузин (1968), Н.Э. Эргашев (1982), Г.Ш. Шомуратов ва Л.М. Копанева (1985), М.Ж. Медетов (2012) ишларида қайд этилган. Зарарли турларга қарши кураш чоралари Ф.А. Гаппаров (1983, 2001, 2014), А.А. Нуржанов (1989), Ш.К. Худанов (1998), А. Хаитмуратов (1999) тадқиқотларида келтирилган.

Бироқ, юқоридаги тадқиқот ишлари Ўзбекистон арид минтақалари тўғриқанотли ҳашаротларнинг тур таркиби, ландшафтлар бўйича тарқалиши, зоогеографияси ҳақида тўлиқ маълумотлар бера олмайди. Шунга кўра, тўғриқанотлиларнинг келиб чиқиш марказини асослаш, фаунанинг тур таркиби ва таксономик структурасини аниқлаш, тўғриқанотлилар хаётий шакллари тавсифлаш, озикланиш типига асосан турли-туманлигини очиб бериш, “паразит-хўжайин” тизимидаги тўғриқанотлилар аҳамиятини белгилаш ҳамда зарарли турларига қарши атроф-муҳит учун экологик безарар кураш усуллари ишлаб чиқишга тадбиқ этиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Зоология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф5-Т230 “Сув ва қуруқлик ценозларида паразитар тизим таркибий қисмининг шаклланиши ва ҳаракатланиш қонуниятлари” (2012-2016) ва ВА-ФА-Ф5-011 “Ўзбекистон тўғриқанотсимон (Insecta: Orthopteroidea) ҳашаротлари” (2017-2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон арид ҳудудлари тўғриқанотли ҳашаротлари фаунасини аниқлаш, экологиясини асослаш ва зарарли

турларига қарши экологик безарар кураш усуллари ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

фаунанинг тур таркиби ва таксономик структурасини аниқлаш;  
турларнинг арид минтақаларида тарқалишини ўрганиш;  
агроландшафтларда тўғриқанотлилар тур таркибини аниқлаш;  
тўғриқанотлилар ҳаётий шакллари тасвирлаб бериш;  
тўғриқанотли ҳашаротларнинг зоогеографик тақсимланиш қонуниятларини ўрганиш;

оралиқ хўжайин чигиртка ва паразит нематодаларда “паразит-хўжайин” тизимидаги ўзаро муносабатларини ўрганиш;

зарарли турларга қарши экологик безарар кураш чораларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистон арид ҳудудлари фаунасига оид тўғриқанотли ҳашаротлар, *Aprocta cylindrica* ва *Diplotriaena isabellina* нематода турлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** тўғриқанотли ҳашаротларнинг фаунаси, экологик хусусиятлари, зоогеографияси ва уларга қарши курашда фойдаланиш мумкин бўлган янги микробиологик препаратларнинг самарадорлиги ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда энтомологик, паразитологик, зоогеографик, экологик, статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистон арид ҳудудлари тўғриқанотлилар тур таркиби таҳлил қилиниб, 7 оила, 71 авлодга мансуб 129 тури аниқланган;

илк бор Ўзбекистон фаунаси учун тўғриқанотлиларнинг 2 авлод, 7 тур ва 3 кенжа тури аниқланган;

илк бор арид ҳудуд фаунаси учун Orthoptera туркумига мансуб 3 авлод ва 15 тур аниқланган;

тўғриқанотли ҳашаротларнинг арид минтақаларида тарқалиши бўйича 5 та таснифи ишлаб чиқилган ва 18 гуруҳга мансуб ҳаётий шакллари очиб берилган;

арид ҳудудлар тўғриқанотли ҳашарот турларининг географик кенглик бўйича 7 та ва узунлик ареаллари бўйича эса 9 та гуруҳлари асосланган;

чигирткаларнинг *Calliptamus italicus italicus*, *Calliptamus turanicus*, *Dociostaurus kraussi*, *Locusta migratoria migratoria* турлари *Aprocta cylindrica* ва *Diplotriaena isabellina* каби паразит нематодаларининг оралик хўжайинлари эканлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

экинлар учун зарарли бўлган воҳа чигирткасига қарши янги “NOVACRID” микробиологик препаратининг самарадорлиги аниқланган ва яйлов атрофи ҳудудларидаги маданий экинзорларга чигирткалар тарқалишининг олдини олиш усули ишлаб чиқилган;

зарарли чигирткалар табиий популяциясининг *Mylabris variabilis* ва *Cytherea fenestratula* энтомофаглар билан зарарланиш миқдори аниқланган ва

шу асосда уларнинг ривожланишини башарот қилиш орқали, кимёвий ишлов бериш ҳажмини камайтириш таклиф этилган;

қушларда паразитлик қилувчи нематодалар учун оралиқ хўжайин бўлган тўғриқанотли ҳашаротлар аниқланиб, ёввойи ҳамда овланадиган қушларнинг чигирткалар орқали паразит нематодалар билан зарарланишининг олдини олиш учун *Calliptamus italicus italicus*, *Calliptamus turanicus*, *Calliptamus barbarus*, *Locusta migratoria migratoria* турларига қарши кураш тадбирлари ишлаб чиқилган;

16 та камёб ва 2 та эндем турларнинг тарқалишини акс эттирувчи ГАТ хариталар яратилган ва улар популяцияларини сақлаб қолиш ҳамда муҳофаза қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда классик ва замонавий усулларнинг қўлланилганлиги ҳамда илмий ёндашувлар, таҳлиллар асосида олинган натижаларни назарий маълумотларга мос келиши, уларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, илмий ҳамжамият томонидан давлат фундаментал лойиҳаларини бажариш давомида тан олинганлиги, популяцион маълумотларни замонавий дастурлар асосида (Biostat 2007) статистик таҳлил қилинганлиги, амалий натижаларни ваколатли давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон арид ҳудудлари тўғриқанотлилари фаунасини тўла таҳлил қилинганлиги, янги таксономик birlikларни қайд қилинганлиги, тўғриқанотлиларни ҳаётий шакллари ва озиқланишига кўра экологик гуруҳларини тавсифланганлиги, жуда кам тарқалган ва эндем турлар рўйхати тузилганлиги, арид ҳудудларида содир бўлаётган антропоген ўзгаришларнинг ҳудуд ҳашаротлари фаунасига таъсирини баҳоланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Арид ҳудудларида тўғриқанотлиларнинг кам учрайдиган ва эндем турлари тарқалган ҳудудларни белгилаш ва уларни муҳофаза қилиш жумладан, Ўзбекистон Қизил китобига киритиш учун тавсия қилиш, қушларни паразит касалликлар билан зарарланишини аниқлашда чигиртка турларининг ўрнини баҳолаш, янги микробиологик препаратлар ёрдамида қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга хизмат қилиши билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон арид ҳудудларининг тўғриқанотли ҳашаротлари (Insecta: Orthoptera) мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

экинлар учун зарарли бўлган воҳа чигирткасига қарши (*Calliptamus italicus italicus* L.) янги “NOVACRID” микробиологик препаратини қўллаш меъёри ва усуллари Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли тумани чорвачилик хўжалиги яйловларига жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 18 майдаги 011/06-1205-сон маълумотномаси). Натижада, зарарли воҳа чигирткасига нисбатан 89.9 % биологик самарадорликка эришилган ва яйлов атрофи ҳудудларидаги

маданий экинзорларга чигирткаларнинг тарқалишининг олдини олиш имконини берган;

зарарли чигирткаларда паразитлик қилувчи *Mylabris variabilis* ва *Cytherea fenestratula* энтомофаглари таъсирида тухумларининг 23.5 %, вояга етган ҳашаротларни 15.7 % миқдорда камайишини мониторинги натижалари Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ ва Кегейли туманлари чорвачилик хўжалиги яйловларига жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 18 майдаги 011/06-1205-сон маълумотномаси). Натижада ушбу ҳудудларда кимёвий препаратларни ишлатишни 23.5 % га камайтириш имконини берган;

арид ҳудудларида тарқалган тўғриқанотли ҳашаротлар 129 турларининг тарқалиши бўйича таснифи ва уларнинг ГАТ хариталари Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси амалиётида жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2018 йил 26 мартдаги тх-01/01-1-732-сон маълумотномаси). Натижада тўғриқанотли ҳашаротларнинг 16 та камёб ва 2 та эндем турлари популяциялари тарқалган ҳудудлар белгиланди ва уларни муҳофаза қилиш учун тавсия ишлаб чиқиш имконини берган;

қушларда паразитлик қилувчи *Aprocta cylindrica* ва *Diplotriana isabellina* нематодалари учун оралиқ хўжайин бўлган тўғриқанотли ҳашаротларга қарши “Green guard sc premium” микробиологик препарати асосида ишлаб чиқилган янги курашиш усули Қорақалпоғистон Республикасида Чимбой тумани табиий ҳудудларига жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария қўмитасининг 2018 йил 24 майдаги 25-03/111-сон маълумотномаси). Натижада ёввойи ва овланадиган қушлар паразит нематодаларининг оралиқ хўжайин - чигиртка турлари миқдорини 85 % га камайтириш имконини берган;

арид ҳудудларида тарқалган тўғриқанотли ҳашарот туркумининг 129 тур ва кенжа турларига мансуб 940 нусха ҳашарот намуналари республикада етакчи бўлган “Зоология коллекцияси” ноёб объектига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 04 июлдаги 4/1255-1742-сон маълумотномаси). Натижада, намуналар тўғриқанотли ҳашаротлар коллекцияси фондини бойитган ва турлар ҳилма хиллигини аниқлаш ҳамда электрон маълумотлар базасини яратиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та ҳалқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.


**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш нашр этилган. Шулардан 1 та тавсиянома ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан, 10 та республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми:** Диссертация иши кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 176 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон арид ҳудудларида тўғриқанотли (Insecta: Orthoptera) ҳашаротларининг ўрганиш ҳолати**» деб номланган биринчи боби хорижий мамлакатларда ва Ўзбекистонда тўғриқанотли ҳашаротлар фаунаси, зоогеографияси, экологияси, нематодаларнинг оралик хўжайини сифатида, зарарли турларнинг энтомофаг ва касаллик чақирувчи микроорганизмлари, уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш борасида шу давргача олиб борилган тадқиқот ишлари натижалари ва чоп қилинган адабиётлар таҳлили келтирилган. Шунингдек бу бобда, тадқиқот олиб борилган ҳудуд табиий ва иқлим шароитлари, тадқиқот усул ва материаллари акс эттирилган. Тўғриқанотлиларни тадқиқ қилиш ишлари 2009-2018 йиллар давомида олиб борилди. Уларнинг фаунасини аниқлаш учун материаллар йиғиш ишлари белгиланган маршрутлар бўйича ва белгилаб олинган ҳудудларда ўтказилди (1-расм).



**1-расм. Ўзбекистон арид ҳудудларининг тўғриқанотлилар йиғилган координаталарининг харита ёрдамида ифодаланиши (Google Earth).**

★-стационар майдон, 1-агробиоценоз, 2-чўл, 3-адир ва тоғолди ҳудудлар, 4-устюрт, 5-тўқай.

Бунинг учун катта майдонни эгаллаган географик ҳудудлар, жумладан Устюрт платоси, Жанубий – Ғарбий Қизилқум, шунингдек Жанубий орол

бўйида хосил бўлган Оролқум чўли, Фарғона водийсидаги Ёзёвон чўли, Қарши чўли, Қуйи Амударё биосфера резервати, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари тоғ олди адир худудлари ҳамда қишлоқ хўжалик экинлари билан банд бўлган агроландшафтлардан тўғриқанотли ҳашаротлар намуналари йиғилди. Ҳашаротлар намуналарини йиғиш, уларнинг таксономик ҳолатини аниқлаш ва музей намуналарини таёрлаш тегишли усулларда олиб борилди (Лачининский ва б., 2001; Сергеев, 1985; Правдин, 1980; Правдин, Мищенко, 1982). Тадқиқот ишлари давомида личинка ва имаго ҳолатидаги 15 мингдан ортиқ ҳашарот намуналари йиғилди ва ўрганилди.

Диссертациянинг «Ўзбекистон арид худудлари тўғриқанотлиларининг тур таркиби ва таксономик структураси» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот натижасида йиғилган ҳар бир турнинг тарқалиши, аниқланган жойи, муддати, таксономик ҳолати, озикланишига кўра гуруҳланиши тўғрисида маълумот келтирилган. Аниқланган турлар сони, уларнинг таксономик ҳолати ва тақсимланиши 1-жадвалда берилган. Унга асосан, темирчаклар (Tettigonioidea), чирилдоқлар (Grylloidea), сакровчилар (Tetrigidea) ва ҳақиқий чигирткасимонлар (Acridoidea) катта оилаларининг 7 та оила, 11 та кенжа оила ва 71 авлодига мансуб 129 турининг Ўзбекистон арид худудларида тарқалганлиги келтирилди.

#### 1-жадвал

#### Ўзбекистон арид худудлари тўғриқанотлилар фаунаси таксонларининг микдорий кўрсаткичлари

Оила	Кенжа оила	Авлод сони	% ҳисобида	Тур сони	% ҳисобида
Tettigonidae	Phaneropterinae	1	1.4	1	0.8
	Tettigoninae	6	8.4	9	6.9
	Conocephalinae	2	2.8	2	1.55
Gryllidae	Grylloinae	7	9.8	9	6.9
	Nemobiinae	1	1.4	2	1.6
	Myrmecophilinae	1	1.4	1	0.8
	Oecanthinae	1	1.4	1	0.8
Gryllotalpidae	-	1	1.4	2	1.6
Tetrigidae	Tetriginae	1	1.4	4	3.1
Pyrgomorphidae	-	2	2.8	2	1.6
Pamphagidae	Thrinchinae	6	8.4	11	8.5
Acrididae	Catantopinae	11	15.5	22	17.0
	Acridinae	31	43.7	63	48.8
7	11	71	100	129	100

Изланишлар натижасида темирчакларнинг бир авлоди (*Ceraeocercus* Uv., 1910) ва бир тури (*Ceraeocercus fuscipennis* Uv., 1910), чигирткаларнинг бир авлоди (*Euthystira* Fied., 1853.), 6 тури (*Asiotmethis heptapotamicus* (Zub.), *Pezotmethis nigrescens* (Pyln.), *Euprepocnemis plorans* Charp., *Euthystira brachyptera* (Ocsk), *Ptetica crustulata* Sauss., *Dociostaurus* (*Kazakia*) *brevicollis*) ва 3 кенжа тури (*Tropidopola turanica iliensis* В.-Bienko., *Conophyma sokolovi*

*decorum* Misshenko, *Conophyma semenovi semenovi* Zub.) Ўзбекистон фаунаси учун биринчи бор қайд қилинди.

Шунингдек, темирчакларнинг 3 тури (*Ruspolia nitidula*, *Glyphonotus alactaga*, *Phaneroptera falcata*), чирилдоқларнинг бир тури (*Turanogryllus lateralis*.), чигирткаларнинг 7 тури (*Pezotmethis ferghanensis*, *Heteracris pterosticha*, *Eupreocnemis unicolor*, *Sphingonotus nebulosus*, *Pyrgoderma armata*, *Eremippus costatus*, *Eremippus comatus*) ва 4 кенжа тури (*Ochrilidia hebetata kazaka*, *Sphingonotus rubescensrubescens*, *Sphingonotus obscuratus latissimus*, *Sphingonotus eurasius eurasius*) Ўзбекистон арид худудлари фаунаси учун илк бор келтирилди.

Диссертациянинг «Тўғриқанотлиларнинг ландшафтлараро тарқалиши ва экологик хусусиятлари» деб номланган учинчи боби 7 бўлимдан иборат бўлиб, унда тўғриқанотли ҳашаротларнинг агроценозларда, Устюрт, Қизилқум, тўқай ва адир минтақаларида тарқалиши ҳамда фаунасининг шаклланишини ўрганиш борасида олинган натижалар баён қилинган (2 ва 3-жадваллар). Ўзбекистон арид худудларидан темирчак ва чирилдоқларнинг 3 та оиласига мансуб 27 тури аниқланган. Темирчаклар (*Tettigoniidae*) оиласидан 12 тур, чирилдоқлар оиласидан (*Grylloidae*) 13 тур ва бузоқбошилардан (*Gryllotalpidae*) иккита тури ўрганилаётган худудда тарқалган. Уларнинг энг кўп миқдори, яъни 24 (88.8 %) тури агроценозларда, 13 тадан тури (48.1 %) чўл ва адир минтақаларида, 11 тури (40.7 %) Устюрт текислигида ва 9 тури (33.3%) тўқайзорларда тарқалган (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Ўзбекистон арид худудлари темирчак ва чирилдоқ турларининг минтақа ва ландшафтлар бўйича тақсимланиши

№	Ўрганилган турлар	Минтақа ва ландшафтлар				
		Агро ценоз	Чўл	Адир	Устюрт	Тўқай
<b>Tettigonioidae</b>						
1.	<i>Tettigonia caudate</i> Charp.	+++	+	-	+	++
2.	<i>Tettigonia viridissima</i> L.	++	+	-	-	+++
3.	<i>Conocephalus fuscus</i> Thunb.	++	-	-	-	-
4.	<i>Platyceleis intermedia</i> Serv.	+++	+	+	+++	+++
5.	<i>Platyceleis affinis</i> Fied.	+	-	-	+	+
6.	<i>Ruspolia nitidula</i> (Scop.)	++	-	-	-	-
7.	<i>Semenoviana plotnikovi</i> W	+++	+	++	-	-
8.	<i>Decticus albifrons</i> P.	+++	+	-	+++	-
9.	<i>Decticus verrucivorus</i> (Lin)	+++	+	+	++	-
10.	<i>Glyphonothus alactaga</i> Miram	+	-	+	-	-
11.	<i>Phaneroptera falcata</i> (Poda)	++	-	-	-	-
12.	<i>Caereocercus fuscipennis</i> Uv.	-	-	-	+	-
<b>Grylloidae</b>						
13.	<i>Gryllus bimaculatus</i> D	+++	-	+	-	-
14.	<i>Melanogryllus desertus</i> (Pall.)	+++	+	-	++	+++

## 2-жадвал (давоми)

15.	<i>Tartarogryllus tartarus</i> Sauss.	+++	+	-	+	-
16.	<i>Modicogryllus bordigalensis</i> (Latr.)	+++	+	-	-	++
17.	<i>Modicogryllus frontalis</i> (Fieb.)	++	+	-	-	+
18.	<i>Modicogryllus pallipalpis</i> (Tarb.)	+	-	+	-	
19.	<i>Gryllodinus kerkennensis</i> (Finot)	+	-	++	-	-
20.	<i>Turanogryllus lateralis</i> (Fieb.)	+	++	+	-	-
21.	<i>Velarifictorus bolivari</i> (Uv.)	-	+	+	++	+
22.	<i>Pteronemobius heydeni concolor</i> (Walker)	-	+	+	-	-
23.	<i>Pteronemobius gracillis</i> (Jakovlev)	+	+	+	-	-
24.	<i>Bothriophylax semonovi</i> Mir	+	+	+	+	-
25.	<i>Oecanthus turanicus</i> Uv.	+++	+	-	-	-
<b>Gryllotalpidae</b>						
26.	<i>Gryllotalpa unispina</i> Sauss.	+++	-	-	+	+
27.	<i>Gryllotalpa grullatalpa</i> L.	++	+	+	-	-
		24	17	13	11	9

Изоҳ: + - жуда кам тарқалган турлар (1 соатда 1 донадан 3 донагача); ++ - кам тарқалган турлар (1 соатда 4 донадан 10 донагача); +++ - доимий турлар (1 соатда 11 донадан 20 донагача).

Шунингдек, арид худудлар чигирткаларнинг тўртта оилага мансуб 102 тури аниқланган. Турлар миқдори жиҳатидан Acrididae оиласи энг йирик бўлиб, бу оилага мансуб бўлган 85 тури бу худудда тарқалган. Шунингдек, Pamphagidae оиласининг 11 тури, Tetrigidae оиласига мансуб тўртта тур, Pyrgomorphidae оиласига мансуб иккита тур тарқалганлиги аниқланди. Улар миқдорининг 55.8 %, яъни 57 тури агроландшафтда учрайди. Арид худудларда чигирткаларнинг 45 тури (44.1 %), Устюртда 54 тури (52.9 %) ва тўқайда 31 тури (30.4 %) тарқалган. Чигирткаларнинг энг кўп миқдори чўл минтақаларида тарқалган ва 3 та оилага мансуб бўлиб, 68 турни (66.7 %) ташкил қилади. Tetrigidae оиласига мансуб турлар чўл, арид, минтақаларида учрамаган (3-жадвал).

## 3-жадвал

**Ўзбекистон арид худудлари чигиртка турларининг  
ландшафтлар бўйича тақсимланиши**

	Ўрганилган турлар	Ландшафтлар				
		Агро ценоз	Чўл	Арид	Устюрт	Тўқай
<b>Tetrigidae</b>						
1.	<i>Tetrix bolivari</i> Saulcy.	+++	+	-	-	+
2.	<i>Tetrix sudulata</i> Saulcy.	++	-	-	-	-
3.	<i>Tetrix tartara tartara</i> Saulcy.	++	-	-	-	-
4.	<i>Tetrix tartara subacuta</i> В.-Bienko.	+++	-	-	+	+

Pyrgomorphidae						
5.	<i>Pyrgomorpha bispinosa deserti</i> Walk.	+++	+++	+	+++	+++
6.	<i>Chrotogonus turanicus</i> Kuthy	+++	+	-	+	++
Pamphagidae						
7.	<i>Melanotmethis fuscipennis</i> (Rebt)	+	++	-	-	-
8.	<i>Atrichotmethis semenovi</i> (Zub.)	-	+	+	-	-
9.	<i>Asiotmethis muricatus australis</i> (Serg.Tarb.)	-	-	-	+++	-
10.	<i>Asiotmethis heptapotamicus</i> (Zub.)	+	++	+	+	-
11.	<i>Pezotmethis tartarus</i> (Sauss)	+	++	+	-	-
12.	<i>Pezotmethis ferghanensis</i> (Uv.)	+	-	-	-	-
13.	<i>Pezotmethis nigrescens</i> (Pyln.)	-	-	+	-	-
14.	<i>Thrinchus desertus</i> B.-Bien.	-	+++	-	++	-
15.	<i>Thrinchnus turcmenus</i> B.-Bien.	-	++	-	+	-
16.	<i>Thrinchnus campanulatus</i> F.d.W.	-	++	-	+	-
17.	<i>Strumiger desertorum desertorum</i> Zub.	-	+++	-	++	-
Acrididae						
18.	<i>Dericorys albidula</i> Aud.-Serv.	-	+++	+	+	++
19.	<i>Dericorys tibialis</i> (Pall.)	-	+++	-	+++	+++
20.	<i>Dericorys annulata roseipennis</i> (Redt.)	++	-	-	+	+++
21.	<i>Diexis varentzovi</i> Zub.	-	++	-	-	-
22.	<i>Oxyafuscovittata</i> (Marsch)	+++	-	-	-	-
23.	<i>Tropidopola turanica iliensis</i> B.-Bien.	+++	-	-	-	++
24.	<i>Tropidopola turanica turanica</i> Uv.	+++	-	-	-	-
25.	<i>Conophyma semenovi semenovi</i> Zub.	-	-	++	-	-
26.	<i>Conophyma sokolovi modestum</i> Mists.	+	+	+	-	-
27.	<i>Conophyma sokolovi decorum</i> Mists.	+	-	+++	-	-
28.	<i>Anacridium aegyptium</i> (L.)	+++	+	+	+	+
29.	<i>Calliptamus italicus italicus</i> (L.)	T	+	+	+	+++
30.	<i>Calliptamus turanicus</i> Serg.Tarb	+++	+++	+	++	+++
31.	<i>Calliptamus barbarus cephalotes</i> Costa	+++	++	+	+++	+++
32.	<i>Heteracris littoralis littoralis</i> Ramb.	+++	-	-	++	-
33.	<i>Heteracris adspersa</i> (Redt.)	+++	++	+	+++	-
34.	<i>Heteracris pterosticha</i> (F.d.W.)	+++	-	-	-	-
35.	<i>Eyprepocnemis unicolor</i> Tarb.	++	-	-	-	+
36.	<i>Eyprepocnemis plorans</i> (Charp).	+++	-	-	-	-
37.	<i>Egnatioides desertus desertus</i> Uv.	-	++	-	+	-
38.	<i>Egnatioides desertus iliensis</i> Uv.	-	+++	-	++	-
39.	<i>Egnatius apicalis</i> Stal.	-	++	+	++	-
40.	<i>Acrida oxycephala</i> (Pall.)	+++	+	+	-	+++
41.	<i>Truxalis eximia</i> Eichw	+++	+	+	-	+++

## 3-жадвал (давоми)

42.	<i>Gonista sagitta</i> (Uv.)	-	+	-	-	-
43.	<i>Ochrilidia hebetata kazaka</i> (Serg.Tarb.)	-	++	-	+	-
44.	<i>Ochrilidia hebetata hebetata</i> (Uv.)	-	++	-	-	-
45.	<i>Euthystira brachyptera</i> (Ocsk)	++	+	-	++	-
46.	<i>Duroniella gracilis</i> Uv.	++	+	+	+	+++
47.	<i>Duroniella kalmyka</i> (Ad.)	+++	+	+	-	-
48.	<i>Mecostethus alliaceus turanicus</i> Serg.Tarb.	+	-	-	++	-
49.	<i>Epacromius tergestinus</i> (Charp).	+	-	-	-	++
50.	<i>Aiolopus thalassinus</i> (F.).	+++	-	+	-	+++
51.	<i>Aiolopus oxianus</i> Uv.	++	-	-	-	-
52.	<i>Helithera turanica</i> Uv.	++	+	-	-	-
53.	<i>Locusta migratoria migratoria</i> L.	T	+	+	++	+++
54.	<i>Oedaleus decorus</i> (Germ.)	+	+++	+	+	-
55.	<i>Oedaleus senegalensis</i> (Kr.)	+	-	++	-	-
56.	<i>Pyrgoderma armata</i> F.d.W.	-	+	++	-	-
57.	<i>Ptetica crustulata</i> Saussure	-	-	-	+++	-
58.	<i>Mioscirtus wagneri</i> (Kitt)	+++	+	+	-	++
59.	<i>Oedipoda miniata</i> (Pall.)	+	+	+	+++	-
60.	<i>Oedipoda caerulescens</i> L.	-	-	+	++	-
61.	<i>Oedipoda fedtschenkoi fedtschenkoi</i> (Pall.)	+	-	-	-	-
62.	<i>Acrotylus insubricus</i> (Scop.)	+++	++	+	++	+++
63.	<i>Sphingonotus halocnemi</i> Uv.	-	++	+	++	-
64.	<i>Sphingonotus halophilus</i> B.-Bien.	-	++	-	-	-
65.	<i>Sphingonotus miramae</i> Mistsh.	-	-	+	-	-
66.	<i>Sphingonotus elegans</i> Mistsh.	-	+	-	+++	-
67.	<i>Sphingonotus nebulosus</i> (F.d.W).	-	-	+	+	+++
68.	<i>Sphingonotus nebulosus discolor</i> Uv.	+	-	-	++	-
69.	<i>Sphingonotus octofasciatus</i> (Serv.)	-	++	-	+++	+
70.	<i>Sphingonotus rubescens</i> (Walk.)	-	++	-	-	++
71.	<i>Sph.rubescens rubescens</i> (F.Walk).	+	+++	-	-	-
72.	<i>Sphingonotus salinus</i> (Pall).	+	-	-	+++	++
73.	<i>Sphingonotus satrapes</i> Sauss	-	+++	-	-	++
74.	<i>Sphingonotus obscuratus latissimus</i> Uv	-	-	-	++	-
75.	<i>Sphingonotus eurasius eurasius</i> Mistsh.	-	-	-	+++	-
76.	<i>Sphingonotus maculatus maculatus</i> Uv.	+	+	-	+++	-
77.	<i>Sphingonotus kirgizorum</i> Ikonn.	-	+	-	-	-
78.	<i>Pseudoshingonotus savignyi</i> Sauss.	+	++	+	+++	++
79.	<i>Sphingoderus carinatus</i> (Sauss.)	+++	++	+	+	+++


## 3-жадвал (давоми)

80.	<i>Helioscirtus moseri</i> Sauss.	-	+++	+	+	+++
81.	<i>Hyalorrhapis clause</i> (Kitt.)	-	+++	-	-	-
82.	<i>Hyalorrhapis turcmena</i> Uvarov	-	++	-	-	-
83.	<i>Leptoternis iliensis</i> Uv.	-	+++	-	+	-
84.	<i>Leptoternis gracilis</i> (Ev.)	-	+++	-	+	-
85.	<i>Ramburiella foveolata</i> (Tarb.)	+	+	+++	+	-
86.	<i>Ramburiella turcomana</i> (F.d.W.)	-	+	++	-	-
87.	<i>Dociostaurus tartarus</i> Uv.	+	+	+	+++	-
88.	<i>Dociostaurus maroccanus</i> (Thnd)	т	+	т	-	-
89.	<i>Dociostaurus plotnikova</i> Uv.	++	+	++	-	-
90.	<i>Dociostaurus kraussi kraussi</i> (Ingen.)	-	++	+	-	-
91.	<i>Doc.kraussi nigrogeniculatus</i> Tarb	-	++	+	-	-
92.	<i>Dociostaurus brevicollis</i> (Ev.)	-	-	-	++	-
93.	<i>Notostaurus albicornis</i> (Ev.)	-	+	+	+++	-
94.	<i>Notostaurus albicornis turcmenus</i> (Uv.)	-	-	-	++	-
95.	<i>Kazakia tarbinskyi</i> B.-Bienko	-	+	-	++	-
96.	<i>Eremippus simplex simplex</i> (Ev.)	+	+++	+	+++	-
97.	<i>Eremippus costatus</i> Serg.Tarb.	-	-	-	++	-
98.	<i>Eremippus comatus</i> Mistsh.	-	-	-	++	-
99.	<i>Mesasippus kozhevnikovi kozhevnikovi</i> Serg.Tarb.	+++	+	+	-	++
100.	<i>Chorthippus albomarginatus karelini</i> (Uv.)	+++	+	+	-	-
101.	<i>Glyptobothrus meridionalis</i> L. Mistsh.	+	+	-	-	-
102.	<i>Glyptobothrus biguttulus</i> (L.)	+++	+	-	-	-
		57	68	45	54	31
	<b>Жами</b>	<b>81</b>	<b>85</b>	<b>58</b>	<b>65</b>	<b>40</b>

Изоҳ: + - жуда кам тарқалган турлар (1 соатда 1 донадан 3 донагача); ++ - кам тарқалган турлар (1 соатда 4 донадан 10 донагача); +++ - доимий турлар (1 соатда 11 донадан 20 донагача); т - тўда ҳосил қилувчи турлар.


Шундай қилиб, Ўзбекистон арид ҳудудларида аниқланган тўғри қанотли ҳашаротларнинг 81 тури (62.8 %) агроланшафтларда, 85 тури (65.9 %) чўл минтақасида, 65 тури (50.4 %) Устюртда, 58 тури (44.9%) адир минтақасида ва 40 тури (31.0 %) тўқайзораларда тарқалган. Ўзбекистон арид ҳудудларида минтақа ва ландшафтлари тўғриқанотлилари фаунаси ўхшашлик даражаси Жаккар (И) индекси ёрдамида баҳоланди (Песенко, 1982). Олинган маълумотларни дендрограммада ифодаланиши бўйича чўл ва агроценоз минтақалари фаунаси ўхшашлик коэффеценти 0.44 га тенг бўлган ҳолда адир ва тўқай фаунаси ўхшашлик коэффеценти эса энг кам 0.26 га тенг бўлган (2 – расм). Агроценозлар тўғриқанотлилари бўлимида, арид ҳудудлар агробиоценози тўғриқанотлилари тур таркибини ўрганиш натижалари

берилган бўлиб, унга асосан бу ҳудудда уларнинг 7 оилага мансуб 81 тури тарқалган. Шулардан 52 тури (64.2 %) боғ ва токзорларда, 49 тури (60.5 %) ғўза биоценозида, 40 тури (49.4 %) ғаллазорларда, 43 тури (53.1 %) полиз,



**2 - расм. Ўзбекистон арид ҳудудлари минтақа ва ландшафтларида тарқалган тўғриқанотлилар турларининг ўхшашлиги (Жаккард индекси асосида “PAIRED GROUP”)**

сабзавот экинларида ва 53 тури (65.4 %) беда, аралаш экинзорларда учраши кузатилди (3-расм).




**3-расм. Ўзбекистон арид ҳудудлари тўғриқанотлиларининг агроценозлар бўйича тақсимланиши:**

1-боғ ва токзорларда, 2-ғўза, 3-ғаллазор, 4-полиз сабзавот, 5-беда, аралаш экинзорларда.


Чўл минтақаси тўғриқанотлилари деб номланган бўлимида Ўзбекистон арид ҳудудларини чўл минтақаси тўғриқанотли хашаротларнинг Қизилқум чўли, Қашқадарё вилоятининг Муборак туманидаги саксовулли чўл, Фарғона

вилоятининг Ёзёвон чўли, Орол денгизининг қуриган ўзанида пайдо бўлган Оролқум массиви худудларидан йиғилган маълумотлар натижалари келтирилган. Унга кўра, чўл минтақасида тўғриқанотли ҳашаротларнинг 85 тури тарқалган. Қизилқумда 59 та (69.4%), Муборак чўлида 41 та (48.2 %), Ёзёвон чўлида 31 та (36.5 %), Оролқумда 24 тур (28.2 %) тўғриқанотли ҳашарот турлари учрайди. Олинган маълумотларга кўра, Жануби – Ғарбий Қизилқумда тўғриқанотлиларнинг 6 оила ва 39 авлодга мансуб 59 тури тарқалган. Эфемер-эфемероидли-шувоқзорларда уларнинг 37 тури (62.7%), қорабоғлишли-шувоқзорларда 26 тури (44.1 %), оқ саксовулли-жузғунзор қумлик стациясидан 33 тури (55.9 %), тубан – қияликларда эса 24 тури (40.7 %) учрайди. Ёруғлик элементларига жалб қилиш натижасида 22 тур (37.3 %) ҳашарот аниқланган (4-расм).



**4- расм.Жануби - Ғарбий Қизилқум тўғриқанотли ҳашаротларининг стациялар бўйича тақсимланиши:** 1-эфемер-эфемероидли-шувоқзор стациялар; 2-қорабоғлишли-шувоқзор; 3-оқ саксовулли-жузғунзор қумлик стацияси; 4-тубан - қияликлар; 5-ёруғлик жалб қилиш натижасида.

Устюрт платоси тўғриқанотлилари бўлимида, тўғриқанотлилар турларининг 8 та ўсимлик жамоалари бўйича тақсимланиши ва плато табиий иқлим шароитининг тўғриқанотли ҳашаротлар ривожланишига таъсирини ўрганиш натижалари берилган. Бу минтақада 7 оилага мансуб 65 тур ва кенжа тур тўғриқанотли ҳашаротлар турлари тарқалганлиги кузатилди (5-расм). Буюргунли-боғлишли комплексидан 41 тур (63.1%), шувоқзор стациясидан 31 тур (47.7 %), шувоқли-куйреуқли-буюргунзорларда 36 тур (55.4 %), буюргунзорларда 31 тур (47.7 %), саксовулзорларда 28 тур (43.1 %), аралаш бутали юлғунзорларда 23 тур (35.4 %) буғдойиқзорларда 35 тур (53.8 %) ва бедазорларда 27 тур (41.5%) тўғриқанотли ҳашаротлар тарқалган.



**5-расм. Устюрт платоси тўғриқанотли ҳашаротларининг ўсимлик стациялари бўйича тақсимланиши: 1-бюрғинли-боялишли комплекс; 2-шувоқзор; 3-шувоқли-куйреукли буюрғунзор; 4-буюрғунзор; 5-саксовулзор; 6-аралаш бутали юлғунзор; 7-буғдойиқзор; 8-бедазор.**


Устюрт текислигидаги ёғин миқдори, атмосфера ҳарорати ҳамда тўғриқанотлиларнинг зичлиги ва сони тўғрисидаги 2009 – 2016 йиллар давомида олинган маълумотларга асосланган ҳолда, ёғин миқдори 2009 йилдан 2016 йилгача муттасил ортиб борган. Агарда 2009 йилда йиллик ёғин миқдори ўртача 19.5 мм. бўлган бўлса, 2016 йилга келиб бу кўрсаткич 152.8 мм. ни ташкил қилиб, ёғин миқдори ушбу даврда 7.8 баробар ошган. Олинган маълумотларга кўра, тўғриқанотлиларнинг зичлиги ва сони Устюрт текислиги иқлим шароитининг, яъни унинг ўртача ёғин миқдори ва ҳаво ҳароратининг салбий кўрсаткичларига боғлиқ бўлиб, қишнинг қаттиқ совуқ келиши ва ёғин миқдорининг камайиши натижасида уларнинг миқдори ва зичлиги камайган ва ёғин миқдори баланд бўлган йиллар давомида уларнинг зичлиги ва сони орта борган. Агарда 2009 йилда тўғриқанотлиларнинг ўртача зичлиги 0.2 дона/м<sup>2</sup> ва бир соат давомида йиғилган ҳашаротлар сони 19.5 дона бўлса, ёғин миқдори энг кўп бўлган 2015 йилда бу кўрсаткичлар мос равишда 12 дона/м<sup>2</sup> ва 126 дона/соат бўлган. Ёғин миқдорининг ортиши Устюрт ўсимликлари ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиб, тўғриқанотлиларнинг доминант турлари миқдорининг ортишига олиб келган.

Адир минтақаси тўғриқанотлилари бўлимида, уларнинг Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах, Навоий вилоятларининг тоғ олди - адир худудларида, денгиз сатҳидан 400 м. баландликкача бўлган турли стацияларда ўтказилган тадқиқот ишлари натижалари таҳлил қилинган. Арид худудларнинг адир минтақаларида 58 тур тўғриқанотлилар тарқалган бўлиб, Сурхондарё вилояти адир минтақаларида 30 тур, Қашқадарё вилоятидан 29 тур, Навоий вилоятининг Нурота туманида 22 тур ва Жиззах вилояти Фориш тумани худудида 18 тур тўғриқанотлилар учраши аниқланди. Адир худудда узун

мўйловли тўғриқанотлилар нисбатан кам тарқалган бўлиб, уларнинг бу худудидан 12 тури аниқланди.

Тўқай тўғриқанотлилари бўлимида, Қуйи Амударё давлат биосфера резервати тўқайзорлари тур таркибини ўрганиш бўйича маълумотлар келтирилган. Ўзбекистон арид худудидида майдони (68717.8 га) жихатдан бу биосфера резервати ягона бўлган тўқайзор ҳисобланади. Қуйи Амударё давлат биосфера резервати худуди тўқайзорларида 27 авлодга мансуб 40 тур ва кенжа турлар тарқалганлиги аниқланди. Шундан 4 тури темирчаклар, 4 тури чирилдоқлар, 1 тури бузоқбошилар ҳамда 31 тури эса чигирткалар катта оиласига мансуб ҳисобланади. Шулардан 8 та тури жуда кам учрайдиган, 12 та тури кам учрайдиган, 20 та тури доимий турлар қаторига киради. Ҳаёт шакли бўйича улар 8 гуруҳга мансуб.

Тўғриқанотли ҳашаротларнинг экологик тавсифи ва гуруҳланиши бўлимида ўрганилаётган худуд тўғриқанотли ҳашаротларининг ҳаёт шаклларига асосан тақсимланиши ўрганиш натижалари таҳлил қилинган. Ўзбекистон арид худудлари тўғриқанотли ҳашаротлари ҳаёт шакли бўйича 18 та гуруҳга мансуб (6-расм).



**6-расм. Ўзбекистон арид худудлари тўғриқанотли ҳашаротларининг ҳаёт шаклига кўра гуруҳланиши ва турлар сони:**1-Эремобионт;

2-Факультатив хортобионт; 3-Тамнобионт; 4-Псаммобионт;

5-Микротамнобионт; 6-Бошоқли хортобионт; 7-Петрибионт; 8-Хортобионт;

9-Ихтисослашган фитофил; 10-Герпетобионт; 11-Фиссуробионт; 12-Қатлам

ости геофили; 13-Ўсимликхўр хортобионт; 14-Қиёқ-бошоқли хортобионт;

15-Геобионт; 16-Ботробионт; 17-Криптобионт; 18-Учувчи мигрант.

Тўғриқанотли ҳашаротларининг ҳаёт шакли бўйича 5 тури (3 тур, 2 кенжа тур) герпетобионт (органик қолдиқлар билан озикланувчи мезофиллар); 13 тур ва 5 кенжа тури факультатив хортобионт (тупроқ юзасида, очиқ майдонларда яшовчи турлар); 8 тур ва 2 кенжа тури - псаммобионт (қумли чўл шароитига мослашган турлар); 2 тур ва 5 кенжа тури – хортобионт (бошоқли ўсимликлар стациясида яшашга мослашган, тана тузилиши билан фарқланувчи турлар); 11 тур ва 2 кенжа тури - тамнобионт (дарахт ва бутазорларда яшовчи тур); 5 тур ва 3 кенжа тури микротамнобионт (бута ва чала бутазорларда яшашга мослашган турлар); 18 тур ва 5 кенжа тури эремобионт (очиқ майдонларда нам тупроқ юзаси билан боғлиқ турлар); 5 тури ва 2 кенжа тури бошоқли хортобионт; 9 тури фиссуробионт (тупроқ чуқурчалари ёриқлари ва кўсакчалар остида ҳаёт кечирувчи турлар); 7 тури петриобионт; 1 тури ва 3 кенжа тури ўсимликхўр хортобионт; 3 тури қиёқ-бошоқли хортобионт (дарё қирғоқлари тўқайларда қамиш ва қиёқлар билан озикланувчи турлар); 4 тур ва 2 кенжа тури ихтисослашган фитофил (ўт-ўлан ва майсаларнинг энг юқори қатламида яшашга мослашган турлар); 4 тури қатламости геофили; 2 тури геобионт (тупроқ юқори қатламларида яшовчи тур); 1 тадан тури учувчи мигрант, ботробионт ва криптобионт эканлиги аниқланди.

Ўзбекистон арид ҳудудлари тўғриқанотлиларининг ландшафтларда тарқалиш зичлигига асосан тақсимланиши бўлимида уларнинг ландшафтларда тарқалиш зичлигини ўрганиш бўйича олинган натижалар берилган. Олинган натижаларга асосан, тўғриқанотли ҳашаротларнинг биотопларда тарқалиши ва зичлик миқдорига асосан 64 тури (49.6 %) доимий тур ва кенжа турлар, 46 тури (35.65 %) кам тарқалган тур ва кенжа турлар, 16 тури (12.40 %) жуда кам тарқалган тур ва кенжа турлар ва 3 тури (2.30 %) ялли ривожланувчи турлар ҳисобланади (4-жадвал).


#### 4-жадвал

#### Ўзбекистон арид ҳудудлари тўғриқанотли ҳашаротларнинг биотопларда тарқалиши ва зичлик миқдорига асосан тақсимланиши

№	Турларнинг миқдори	Жами	%	Шулардан	Жами	%
1	Доимий тур ва кенжа турлар	64	49.6	Турлар	46	35.65
